
БЕШАРИҚ ТУМАНИДА ЯНГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан Бешариқ туманидаги ўрганишлари давомида бугун тумандаги “Sherwood Design” корхонасида бўлди.

Ушбу корхонада ташкил этилган, лойиҳа қиймати 6,5 млрд. сўмдан зиёд бўлган “Kork” тикувчилик фабрикасида 350 та янги иш ўрни яратилиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирда савдо объектлари учун стеллажлар, полимер бўёқлар ишлаб чиқариш ҳамда мева-сабзавотни қайта ишлаш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлашда ҳамда туман иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлаган вилоят раҳбари, тадбиркор Шерзод Эркабоевнинг бу лойиҳалар учун банк кредити ажратишга кўмаклашишни сўраб қилган мурожаатини ижобий ҳал этиш бўйича масъулларга кўрсатма берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-02-27 21:31:33